

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд Давлат

Архитектура – Қурилиш Институти

“Қурилишни бошқариш” факультети

“Касбий таълим” кафедраси

*Диплом лойиҳасини
Тушунтириш хати*

Мавзу: Рангтасвирда, Оқ гулдонли гулли натюрморт ишлаш ва уни ўқитиш
услуги

Кафедра мудири: доц.Рахимов А.Қ.

Рахбар:ўқит.А.Н.Меликулов

Битирувчи: 401 – КТ(с) гуруҳи

Эрматова Адиба.

Самарқанд 2012й

Мундарижа

Кириш.....	3
Мавзуни асослаш.....	4
Рангтасвир санъати.....	12
Рангтасвирда натюрморт жанри.....	14
Атроф муҳит муҳофазаси қисми.....	18
Ўқув услубий қисм.....	21
Хулоса	28
Адабиётлар	29

Кириш

Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишини жамиятнинг маънавий янгиланиши ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришни жаҳон ҳамжамиятини қўшилишни таъминлайдиган демократик ҳуқуқий давлат ва очик фуқаролик жамияти қурмоқда.

Инсон, унинг ҳар томонлама камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришни шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий ҳуқ-атворнинг андозаларини ўзгартириш Республикада амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади ҳаракатлантирувчи кучидир. Халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида замонавий маданият, иқтисодиёт, фан техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шартидир. Юрт бошимиз бугунги таррақиётнинг манашундай ўзига хос қонуниятларини теран ҳис этиб, буюк мақсадлар билан яшаётган халқимизнинг интилишларига мос келадиган миллий истиқлол ғояси тўғрисида таълимотни яратдир.

Мавзуни асослаш

Диплом ишим мавзуси ранг тасвирда оқ гулдонли гулли натюрморт ишлаш. Нима учун айнан оқ гулдонли гулли натюрморт? – деган савол туғилиши табиий. Мен бу саволга оқ ранг софлик, поклик ва эзгулик рамзи деб жавоб бермоқчиман. Гулларга тўхталадиган бўлсак, бу алоҳида эътиборга молик. Масалан, гулларни севмаган ҳеч бир инсон бўлмаса керак, гуллар бу севги, яхши кайфият элчилари. Байрамларда ёки туғилган кунларда гул совға қилинса, гул совға қилган инсон ҳам, гулни совға сифатида қабул қилиб олган инсонни ҳам бирдан кайфияти кўтарилганини бир неча бор кузатганмиз. Демак, рассом гулли натюрморт ишласа нафақат ўзи, балки атрофдагилар ҳам бу ижод маҳсулидан маънавий озуқа олади.

Энди натюрморт ҳақида маълумот берсам.

Натюрмортни рангтасвирнинг камерали мусикаси деб аташади. Натюрмортда маҳоратли бўёқ суртмаси, коллорит монандлиги ва шакл пластикасини кузатиш мумкин. Улар орқали ранг тасвирнинг асосий қонуниятлари тез ва қулай ўзлаштириш мумкин. Яъни перспектив ва конструктив қурилиш, шаклнинг соя ёруғлиги ва рангда тасвирланиши тасвирланаётган нарсаларнинг фазовий узоқланишидаги ҳолати ва материалига, тус ва ранг муносабатлари, манзара ва интерьер тасвирлашдаги бирлик ва уйғунлик ҳисобланади.


“Натюрморт – шундай заминки, унда бадиий мактаб мустаҳкам жойлашиши керак.

Реалистик тасвирлаш саводини натюрмортларни бажариш орқали ўзлаштириш мумкин. Дарҳақиқат, саводли тасвирлаш асосларини ўрганишда натюрморт қимматли тасвирий объект бўлиб ҳисобланади.

Натурани ҳаққоний тасвирлаш- бу нарсаларни конструктив ва перспектива қонунлари асосида қуриш, уларнинг фазовий жойлашуви материаллиги, ҳажм ва нисбатларини ифодалаш, қалам тасвир ёки этюдни яхлит бир бутунликка келтириш, тасвирланаётган объектлар ва нарсаларни характерли хусусиятлари ва нафис гўзаллигини аниқлашдир.

Натурадан реалистик тасвирлаш атрофимиздаги воқеа ходисалар ёки нарсаларнинг шакли ва бўёқларини ҳаққоний тасвирлаш малакасини ўз ичига олади.















Рангтасвир санъати

Рангтасвир- тасвирий санъатнинг тури. Бирон бир қаттиқ юзада (картон, холст, грунтланган мато) рангли ашёларда (акварель, гуашь, мойбўёқ, темпералар) масалан, бўёқларда яратиладжиган бадиийлаштирилган асардир.

Рангтасвир воқеликни бадиий тасвирлаш ва уни талқин қилиш демакдир. Рангтасвир томошабин фикри ва туйғуларига таъсир этишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Рангтасвир муҳим ижтимоий мазмун ва ранг-баранг ғоявий вазифаларга эга. Рассом томонидан яратилган рангтасвир асарининг ғоявий мазмуни унинг мавзу ва сюжети мужассамлашади.

Сужетини рассом рангтасвирнинг ифода воситалари орқали амалга оширади. Булар композиция, расм, ранг, ритм ва бошқалари.

Рангтасвир асрлари қуйидаги асосларда ишланиши мумкин:

1. махсус ишлов берилган мато (сурб)
2. Ёғоч,
3. қоғоз
4. картон
5. шиша
6. метал

ва ҳоказолар.

Рангтасвирда ишлашда қулланиладиган ранг қатлами эса қуйидагилар:

1. мойбўёқ
2. гуашь
3. темпера
4. акварель
5. рангли шиша
6. рангли тош

ва ҳоказолар.

Рангтасвирнинг муҳим тасвирий ва таъсир воситаси-ранг (калорит). Ранг орқали рассом брлиқ ёки ҳаёлий дунёни кўринарли шаклларда тасвирлайди, маконнинг чексизлигини, ундаги нарсаларнинг рангбаранглигини моддийлигини хажм ва фактурасини кўрсатиш ва, ҳаракат, инсон рухиятидаги ўзгаришлар, мураккб хиссий кечинмалар, ўй-хаёлларини

акс эттириш мумкин. Рангтасвир асарлари ишланишини шартли икки-ясси ва хажмий фазовий услубга ажратиш мумкин.

Биринчи услубда тасвир нур соясиз яхлит, ясси шаклларда ишланади.

Хажмли- фазовий усулда эса тасвир хажми нурсоя ёрдамида муҳит билан боғлиқ ҳолда тасвирланади. Бундай асарлар рангга бой бўлиб, унда рангларнинг барча тусланишларини ҳис этиш, тушувчи нурнинг қайтган рангини ҳам, қайтган нурланинг тусланиши ва бошқа ранглар билан бойишини кўриш мумкин. Рангтасвир асарларида бу икки услуб орасида қаттиқ чегар йўқ, бири иккинчисини тўлдиради. Рангтасвир асарлари ўзининг ишланиши ўзини мазмуни, бажарадиган вазифаси, ишланиши услуби ва кўриниши услубига қараб, мономентал, безак, дастгоҳ санъати, декорация миниатюра ва бошқаларга бўлинади.

Тасвир мавзуси ва мазмуни йўналишига қараб бир қатор жанрларга ажратилади

1. анималистика
2. тарихий жанр
3. маиший жанр
4. ботал жанри
5. портрет жанри
6. манзара жанри
7. натюрморт жанри бошқалар.

Рангтасвирда натюрморт жанри.

Натюрморт (франсузча *натуре морте* – жонсиз табиат) тасвирий санъат жанри.

Инсоннинг атрофини ўраб турган реал маиший муҳитда жойлашган ва композиция жиҳатидан яхлит гуруҳни ташкил қилган нарсалар тасвирланади. Шунингдек, шу жанрда яратилган рассомлик асари ҳам натюрморт деб аталтдаи.

Асосан, дастгоҳли рассомлик (рангтасвир ва графика) да, қисман хайкалтарошлик асосан (релеф)да ишланади. Натюрмортда “жонсиз буюмлар” (масалан, уй рўзғор буюмлари, қурул аслахалар ва бошқалар) дан ташқари табиатдан ажратиб олган ва буюм, нарсаларга айлантирилган жонли табиат нарсалари (столдаги балиқ, вазадаги гул ва бошқалар) ҳам тасвирланади. Асосий мавзунини тўлдириш учун баъзан натюрморга одамлар, ҳайвонларни ҳам киртиш мумкин. Маиший асосидан ажратиб олинган майда нарсаларнинг муҳимлиги бошқа жанрларга нисбатан натюрмортеда намоён бўлади.

Натюрмортда тасвирланаётган мустқил (акс эттириляётган ёки картиналарда асар мазмунини бойитадиган ва тўлдирадиган) буюмлар ўз эгасининг феъл атворини қизиқишини ёритишга ёки буюмларнинг шакли, ранги, фактураси тузилишидаги ритмик, динамик ва статик ҳолатларини кўрсатишга қаратилган.

Натюрморт қадимги Мисрда деворга ишланган фрескаларда, лелинизм даври мозаикаларида, Хитойда VII асрдан бошлаб, қуш ва гулларнинг композиция бўлаги сифатида маълум бўлган. Натюрморт Европада XVI аср охири XVII аср бошларидан мутақил аҳмиятга эга бўлди, кенг тарқала бошлади. Энг тарққий этган давр XVII асрга тўғри келади XVII асрда “Натюрморт” атамаси қўлланила бошланди. Италиян рассоми М. Каровожо ва унинг издошлари (каравожизм) натюрмортнинг кенг тарқалишида муҳим рўль ўйнайди, гул ва мевалар, денгиз иноми – балиқ, қисқичбақалар севимли мавзуга айланди.

Россияда натюрморт XVII асрда пайдо бўлади, кўзни алдайдиган. “Худди ўзига ўхшаш” (алдамчи) расмлар ишлашдан шаклланиб борди.

XIX асрнинг биринчи ярмида ҳаққонийликка, борлиқни ўзидан гўзалли ктופишга ҳаракат қилинди. Шакл, фактура ва безакдорлик борсидаги ютуқларга эришилди.

Ўзбекистон тасвирий санъатида натюрморт унсурлари қадимги давр санъатида, масалан, Афросиёб деворий расмларида вазадаги мевалар мисолида. Миниатура санъатида , масалан, Камолиддин Бехзоднинг Шайбонийхон портретида тасвирланган буюмлар суёҳдон, қамчи мисолида учрайди. Натюрмортнинг ҳаққикий шаклланиши ва ривожланиши XX асрнинг 30-50 йилларига тўғри келади. Айни шу даврда рассомларнинг ижодида натюрмортнинг дастлабки наъмуналари пайдо бўлди). Л. Насриддинов “Нонли Натюрморт”, Ш. Ҳасанова “Хитой чинниси билан ишланган натюрморт” ва бошқалар. М. Курзин, В. Рождественский, В. Уфимсев, Н. Кашина, З. Коволевский, О. Татевосен, С. Абдуллаев, В. Фадев, Й. Элизарова ва бошқалар натюрмортлар яратдилар. 60-80 йилларда Л. Салимжонова, Й. Талдикин, Р. Чориеа, В. Бурлакин, Э. Мэлниковдар ижодида натюрморт кенг ўрин тутди. Рассомлар Р. Аҳмедо, А. Икромжонов, М. Нуриддинов ва бошқалар натюрморт жанрида самарали ижод қилиб, натюрмортнинг тараққиётини таъминладилар.



Натюрморт ишлаш асослари.

Диплом ишим мавзуси “рангтасвирда гули натюрморт ишлаш”. Бу мавзунини танлашимга сабаб, биринчи навбатда гулларга бўлган меҳрим бўлса, иккинчиси рангтасвир анашу икки тамоил асосида, раҳбарим билан маслахатлашган ҳолда айнан шу мавзуда диплом ишини бажаришга қарор қилдим.

Энди диплом ишимни қандай бажарганлигим ҳафида сўз юритсам. Мана кўриб турибсизлар бу диплом ишим эскизи юқорида айтиб ўтганимдай оқ рангни ёқтирганлигим сабабли фон ҳам оқ, гуллар ҳам оқ. Гуллардан ҳам оқ олдинги пландаги салфетка ҳам оқ анашу олдинги планни композицион тўлдириш мақсадида қўшимча деталлар, яъни 3 та нок ва битта оқ гул новдаси кўрсатиган. Менда бу эскизимдан ташқари яна битта эскиз варианты бор эди. Мана кўриб турганингиздай бу иккинчи вариантда ҳам гуллар оқ. Гуллар оқ рангли лекин фон сариқ. Иккинчи вариантда фонда сариқ ранг ишлатиб тажриба ўтказиб кўрдим. Бу вариант менга маъқул бўлмаганлиги сабабли, биринчи вариантга тўхталдим. Эскизни тўрт барабар катталаштирилган масштабда тасвир юзасида қора қалам ёрдамида чизиб олдим. Диплом ишим қаламтасвирда тугагач ранглашга ўтдим. Ранг беришда биринчи навбатда ишимнинг фонини ишладим ундан кейин оқ гулларга ўтдим барглари ранглаб бўлгандан сўнг оқ гулдонга ранг берилди. Диплом ишимни олдинги планга ранг бериш билан якунладим ва мана бу рамкага жойлаштирдим.

Педагог қандай бўлиши керак.

Кишининг касби қанчалик мураккаб бўлса, ундан шу қадар юқори маданиятли бўлиши талаб қилинвди.

Педагог яъни ўқувчилик касби ҳам мураккаб касблардан биридир. Ҳозирги замон ўқувчиси зиммасига ёш авлодни жимсмоний жиҳатдан пишиқ, руған тетик, юўлишидан ватанпарвар мамлакатимизда демократик жамаиат қуришнинг актив бинокори қилиб етиштириш вазифаси юкланган. Шунинг учун ҳам у кенг маълумотли ва юксак маданиятли киши бўлиши лозим. Ўқувчи қанчалик маълумотли, ишни кўзини биладиган бўлса, ўз малакасини тинмай ошириб борса, унинг мактабда ва ташқарида қилинадиган ишлар соҳасида эришадиган мувофоқиятлари ҳам шунчалик серунум бўлади. Бундай ўқувчи ўзи ишлаётган синфда дарсини педагогик ва дидактик талаблар асосида пухта уюштиради, ҳар бир ўқувчининг психологик хусусиятларини, истедод ва қобилиятини дарсни ўзлаштириш ёки ўзлаштираолмаслик сабабларини, ўқувчининг ички дунёсини тезда билиб олади. Бу эса ўша ўқувчи ишлаётган синфда ва умуман мактабда таълим ва тарбия ишалининг тўғри йўлга қўйилишига ёрдам беради. Бунинг учун у доимо мактаб ва

халқ маорифига доир адабиётлар билан таншиб бориши, ўзи ўқитадигин предметни яхши билиши керак.

Шунинг учун ҳамиша янги ғалабалар сари дадил қадам ташлаб боровачи янгиликлар излочи ҳар бир ўқувчи таълим тарбия ишларини замонимиз талабларига жавоб бераоладиган даражага кўтариш учун табиат ва жамиятнинг вужудга келиши ҳамда тараққий этиш қонуниятларини яхши билиш керак. Педагогика ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш тўғрисидаги фандир. Кишилиқ жамияти тараққий этиши билан у ҳам ўсиб боради. Кишилиқ жамияти пайдо бўлиши билан одамларнинг меҳнат фаолияти процессида уларнинг ишлаб чиқариш тажрибалари, меҳнат малакалари пайдо бўлди ва улар ўзгариб, орта борди. Уларда турли меҳнат қуролларини ишлата билиш қўникмалари ҳосил бўлди ва бу қуролларни такомиллаштириши қобилияти нутқ ва тафаккур ўсиб , ривожланиб борди. Кеса авлод меҳнат процесида ортирган тажрибаси асосида ўсиб келаётган ёш авлодни ҳам меҳнатда ишт ирок этишўга ўргатиш керак эди ва шундай қилди. Шундай қилиб, тарбия кишилиқ жамияти практик эҳтиёжнинг обектив заруратидан келиб чиқди. Шу жамият билан бирга ривожлана борди. Ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида кишилар ортирган тажрибаларнинг бойиб бориши билан табиат ва ижтимоий, ҳаёт ҳақидаги билимларнинг ортиб бориши билан меҳнатда ортирган тажрибаларинини ёш авлодга ўргатиш процесси ҳам мураккаблаша борди. Тарбия мохирлик ва ишнинг қўзини билишлиқни талаб этади. Тарбияни амалга ошириш процесини англаш ва бу соҳадаги тажрибаларни ўрганишга эҳтиёжнинг туғилиши натижасида педагогика фани юзага келади.

Ўқувчи ўқувчиларнинг табиати тақлидчан бўлишни улар биринчи навбатда ўз ўқувчиларига тақлид қилишларини унутмаслиги, хоҳ дарсада, хоҳ дарсдан бошқа вақтларда хоҳ жамоатчиликда тўпланадиган ерларда хоҳ кийинишда, ўзини ўқувчиларга наъмуна бўладиган даражада тута олиши лозим. Бунга эришиш учун ўз-ўзига нисбатан талбчан бўлиши керак. Бу талабчанлик, авло ўзига ҳақиқий ўқувчига хос ҳамма ижобий хислатларни сингдиришдан иборат бўлиши лозим. Анашундай хислатларни ўз тарбияловчилари олдида тўғри намоиш қилаолган ўқувчигина ўқувчиларнинг ҳурмат ва иззатига сазовор бўлаолади. Ўқувчи талабаларини севиши ва уларга чинакам ғамхўрлик қилиш ва улар билан ўз фарзандидек муносабатда бўлиши керак. Талабалар меҳрибон, очик кунгил ўзини уларга яқин тутадиган ўқувчини севадиган, ҳар бир ишда унга эргашишга ҳаракат қиладилар. Хатто шундай хислатларга эга бўлган педагоглардан баъзларини умрбўйи унутмайдилар. Ўқувчига хос хусусиятлардан яна бири талаблар билан бир меёрда муносабатда бўлиш, лекин уларга нисбатан қатий ва жиддий талабчан ўқувчи талаблари билан яқиндан муносабатда бўлиш, ва уларга ғамхўрлик қилиш ва улар билан

бир қаторда эркалатиб ҳам юормаслик керак. Талабалар ўзлари билан хаддан ташқари кўпол муносабатда бўлувчи талабалар билан ҳам ҳар томонни ҳисобга олган ҳолда бир меёрда момила қилиш керак. Ўқувчи синфда ва синфдан ташқарида ўқувчилар ўртасида олиб лорадиган таълим-тарбия ишида уларни ҳозирги замон масалалари билан таништиради, улрга янги кишига, демократия шароитида яшайдиган кишига хос ҳислатларни тарбиялайди.

Касбий таълимнинг мазмуни бир қатор факторлари ҳисобга олиши билан белгиланади. Бу факторларнинг асосийлари қуйидагилар:

- ижтимоий ишлаб чиқаришнинг объектив эҳтиёжлари ҳамда фан ва техниканинг тараққиёт даражаси ижтимоий тузумнинг характери бунга давримизнинг ҳозирги пайтда олиб борилаётган касбий таълим назарияси ва маънавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш чора тадбирлари ҳақидаги босқичма-босқич ислохотлари киради.
- Давлатнинг муайян типдаги ўқув юрти олдига қўядиган мақсад ҳамда вазифалари бундай типдаги ўқув юртлари сирасига ўқиш муддати ҳамда 3 йил бўлган академик лицейлар ва касбий коллежлар кириб улар олдига “иждодий ва ижтимоий фаоллиги билан ажралиб турадиган юқори умумий касбий маданиятини касб этган мутахассислар янги баркамол авлодни шакллантиришни мақсад қилиб қўяди бундай баркамол авлодни шакллантириш мақсадида вазирлар маҳкамаси 1998-йил 24-февральда қабул қилинган лицейлар ва касбий коллежлар ташкил этиш ҳамда улар фаолиятини бошқариш тўғрисида” даги қарори касбий коллежлар учун малакали педагог ва муҳандис педагог кадрлар тайёрлайдиган олий шқув юртларини, ҳам белгилаб беради. У ҳозирги пайтда фаолият кўрсатаётган Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика Университети Наманган Муҳандислик Педагогика Институти , Бухоро Озиқ Овқат ва Енгил Саноат Институти ва бугунги кунда битирув малакавий мавзуларни химоя қилаётган Смарқанд Давлат Архитектура ва Қурилиш Институти Касбий таълим факултети талабаларидир. Бу эса Давлатимизнинг Ўқув юртлари олдига қўйган мақсад ва вазифаларнинг босқичма босқич амалга ршорилаётган ислохотлари бўлиб, касбий таълим санъат йўналиши бўйича битириб чиқаётган навбатдаги қалдирғочлардир
- Ўқитиш принциплардан келиб чиқадиган ва талабларнинг имкониятларини эътиборга олувчи дидактик талаблар.

Касбий таълимнинг мазмуни тарихий характерига эга. Кишилиқ жамияти тараққиётининг турли босқичларида турлича бўлган. Бугунга келиб эса касбий таълимнинг дастлабки дастурида талаблар амалий, маънавий касб дарсларида эгаллаши лозим бўлган, илмий

техникавий билимларнинг меҳнат кўникмалари ва малакаларининг хажми ҳамда мазмуни белгилаб берилади. Дастурда жамитимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида ёшларга касб таълими бериш ва уларни тарбиялаш соҳасида давлатимиз томонидан қўйилган мақсад ва вазифалар конкрет ўз ифодасини топди. Касбий таълим дастури ўқув режа асосида ишлаб чиқарилади ва бу олиий ва ўрта махсус касб ҳунар таълими вазирлиги томонидан тасдиқланади. Касбий таълим ўқитувчиси ўзининг кундалик иш фаолиятида бу дастурга амал қилиб, дастурда кўрсатилган мавзуларга маъруза матнлари ёзиб дарсга қиради. Бу дастурга амал қилиб, унинг бажарилиши мажбурий ҳисобланади

Махсус фан ўқитувчиси
Эрматова Адибанинг
4 соатга мўлжалланган

“Тасдиқлайман”
ўқув ишлар бўйича
диркетор ўринбосари

Дарс режа матни

Гуруҳ 210

Сана 15.04.2012

Дарснинг тартиб сони № 4 соатга мўлжалланган

Дарснинг мавзуси: “рангтасвирда натюрморт жанри”

Дарснинг мақсади: талабаларга натюрморт ишлаш кетма-кетлигини тушунтириб кўрсатиш

Таълимий: ишлаб чиқариш таълими жараёнида талабаларнинг касбий малакаларини шакллантириш.

Тарбиявий: талабаларанари касбий малакаларини шакллантиришда устоз шогирд аъёналарига амал қилишни кўрсатиш.

Ривожлантирувчи: талабаларга индивидуал усулда топшириқ бериб, уларнинг ижодий қобилиятини ўстириш.

Дарснинг тури

Дарсга қўлланиладиган асосий усуллари:

Дарснинг жихозлари: ушбу дарсга таълуқли бўлган асбоб ускуналар материаллар, чизмалар ва слайдлар.

Дарснинг мазмуни

1. ташкилий қисм: талабалар билан саломлашиб, журналдаги рўйхат бўйича йўқлама қилиб чиқиш
2. Ўтилган дарс мавзусини сўраб, мустаҳкамлаш ва талабалар билимини баҳолаш

Дарсда қўлланиладиган асосий усуллар:

Дарснинг жимхлзлари: ушбу дарсга таълуқли бўлган асбоб ускуналар, материаллар, чизмалар ва слайдлар.

Дарснинг мазмуни.

1. ташкилий қисм: талабалар билан талабалар билан саломлашиб, журналдаги рўйхат бўйича йўқлама қилиб чиқиш
2. Ўтилган дарс мавзусини сўраб, мустаҳкамлаш ва талабалар билимини баҳолаш
 - Рангтасвир санъати тарихини биласизми?
 - Рангтасвир жанри ва услубларини биласизми?
 - Рангтасвир неча хил жанрга бўлинади?
 - Натюрморт қандай ишланади?
3. ўтилган мавзуга якун яшаш
4. янги мавзунинг боши
5. ўтилган мавзу юзасидан савол жавоб
6. уй вазифаси
7. дарсни якунлаш

Дарснинг бориши

Режа

1. натюрморт ишлашдаги ишлар кетма-кетлигида талабаларнинг касбий малакаларини шакллантириш
2. натюрморт ишлашдаги ишларни бажаришда устоз шогирд анъаналари, устоз ва шогирднинг ўзаро меъзонлари асосида иш юритиб бориш
3. юқорида ўтилган дарс кетма кетлиги жараёнида талаб ва тафаккури ва касбга кизиқишни ошириб ривожлантириш орқали мавзуга оид портретларни ярати.
4. эскизлардан фойдаланиб оқ қоғозга эскиз тайёрлаш

ишлаб чиқариш касбий таълими ўсишдан мақсад манбалар мустақил ҳолда кўрсатма ва тавсияномаларга таянмасдан, касб хунар, касбий хатти-ҳаракатлар мажмуасини шакллантиришдир. Талабаларга касбий таълим бериш мазмуни деганда, шундай билим кўникма ва малакалар мажмуаси тушуниладики, уларни эгаллаш орқали муайян касб ва малакага эга булган кичик мутахасис тайёрлаш таъминланади. Ишлаб чиқариш касбий таълими асосий вазифаси бўлажак малакали кичик мутахасисларни муайян йўналиши соҳасида амалий фаолият кўрсатишга яъни билимларни амалиётга тадбиқ этишга ўргатишдан зарур бўлган касбий кўникма ва малакаларни шакллантиришдан иборат

шундай қилиб, ишлаб чиқариш касбий таълимнинг асосий моҳияти талабаларга тегишли ихтисослик бўйича меҳнат жараёнларини бажариш йўлларини ва усулларини ўрганишдан иборатдир. Республикамизда амалга оширилаётган ислохотлар халқимиз фаровон ҳаёт кечириш ва фаол ижодий меҳнат қилиши учун шарт шароит яратиш, минтақамиз ва бутун дунёда ижтимоий иқтисодий, сиёсий барқарорликни таъминлаш мақсадларини кўзда тутди.

“Рангтасвирда гулли натюрморт ишлаш”

Мавзусида компьютерни ўқитишнинг технологик схемаси ва 80 минутли тақсимоти.

(дарс компьютер хонасида ўтказилади.)

Ўқитувчи дастурий воситаларни тайёрлайди	5 минут
Ўқитувчи талабаларини кичик гуруҳларга бўлиб, ишчи ўринлар ташкил этади.	10 минут
Ўқитувчи томонидан ҳар бир гуруҳга алоҳида топшириқ берилади.	10 минут
Ҳар бир гуруҳ тармоқни бошқариб, топшириқни бажаришга киришади	5 минут
Рангтасвирда ишланган гулли натюрмортлар талабалар мустақил ўрганадилар.	10 минут
Индивидуа касбий мулоқот таъминланади	5 минут
Компютерда тестлар ўтказилиб, билимлар мустаҳкамланади.	25 минут
Ўқитувчи томонидан эришилган натижалар баҳоланади	10минут

2011-2012 ўқув йилига мўлжалланган I-босқич рангтасвир гуруҳи учун Ўқитувчи Эрматова Адибанинг «рангтасвир» фанидан тузган йиллик иш дастури.

т/р	Бўлим ва мавзу ларнинг номи	Машғуло т тартиб вақти	Дарс ўтилган кун	Дарсга ажратил аган соат	Машғулот типи ва тури	Кўргазмал и қуроллар ва техник воситалар.	Мустақил иш тури амалий лаборатори я тадқиқоти кўргазмали қуроллар ва техник воситалар,	Уй вазифас и	адабиётла р	Фанларни боғлаш	Изох
I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII
1	Мутахассисликка кириш	№1	2.04.07	2	Оғзаки амалий	Рангтасвир да мазмун ва шаклга оид баённонал ар ва расмлар	Рангтасвир фанига оид билимлар ва қўникмалар нинг ёзма баёни	Натюрм орт чизишда қўллани лган адабиётл ар ва асбоблар ни олиш	Рангтасви р санъат музейи	Умумий фанлар	
2	Кириш рангтасвир	№2	14.04.07	2	Оғзаки	Рангтасвир					

	асарлар					жанрларга оид расмлар					
3	Рангтасвир турлари	№3	20.04.07	2	оғзаки	Шу тарихий изчил замон меъёрлариг а оид расмлар	Рангтасвир турларини иш дастурига ёзиб бериш			тарих	

Табиатни муҳофаза қилиш

Ҳозирги замон экологияси шундай асов отки, уни жиловлаш ва ўргатиш жуда мушкул шунга қарамасдан уни ўрганиш ва ўргатиш керак. Бунинг учун табиий воқеликларни тушуниб, уларни келиб чиқиш сабабларини аниқлаб салбий ҳолатларни тузатишга ижобий ёндошадиган, табиат қонунларини инобатга олиб келибгина қолмасдан балки шулар асосида ўз ҳаёт фаолиятини тузадиган кишиларгина экологлар қаторига кириши мумкин.

Табиатнинг экологик ҳолати бузилиш тупроқ, ҳаво ва сувнинг тириклик учун зарарли моддалар билан ифлосланиши, ўсимлик ва ҳайвонларнинг фойдали турлари камайиб кетиши, ўтлоқзорлар, тўқайзорлар ва тоғ ён бағрларидаги бута ҳамда дарахтларнинг кесилиши каби ҳолатлар натижасида табиатни муҳофаза қилиш ҳозирги кунда энг оммалашган вазифалардан бўлиб қолди. Халқ хўжалигининг турли тармоқлари ривожланиши табиий ландшафтларнинг тез ўзгариши янги қишлоқ ва шаҳарларнинг пайдо бўлиши аҳоли сонининг кўпайиши энергия сув ва озиқ овқатга бўлган талабнинг ўсиши натижасида, ривожланиш марказлари табиатнинг ичкарасига, бузилмаган жойларга кириб бормоқда. Бу ижтимоий, индустриал ва хўжалик муаммолари инсоннинг яшаш муҳити тубдан ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Табиатнинг бир кичкина жойда экологик ҳолати бузилиши, унга ёндош бўлган майдонлар табиий ҳолатнинг бузулишига сабаб бўлиб натижада турли регионлар жабр кўрмоқда. Шу сабабли, атроф муҳитни муҳофаза қилиш бу бир кичик регион эмас балки, бир катта қитъа ундаги халқлар, давлатларнинг халқаро муаммосига айланиб қолди. Масалан. Орол атрофидаги экологик фожа бутун Ўрта Осиё Қозоғистонга эмас балки Эрон Турон тупроғида жойлашган давлатларнинг ҳамжихатлигида хал бўладиган глобал муаммодир.

Дунёнинг турли жойларида юзага келган офатлар Чернобиль АЕС ининг портлпши, оролнинг қуриши УФА шаҳридаги химзаводнинг ёниши ва нефтнинг сувга тушиши Невада, Лубнурда тказилган ер усти ва ер ости ядро портлатишлари таъсири йил сайин хавфли бўлиб бормоқда. Агар биз табиат қўйнида тинч ва соф яшашни истасак табиат қонунларини ўрганишимиз, ўзлаштиришимиз ва унинг қонунлари асосида ўз ҳаёт фаолиятимизни иш режаларимизни, тузишимиз шарт. Акс ҳолда, бизнинг ьҳаракатларимиз “Жодугар кампирнинг супурги отига миниб, космосга сафар қилиши”га ухшаб қолади.

Табиатнинг экологик қонунлари организмларнинг бир бирлари ва уларнинг атроф муҳит билан доим бўлиб турадиган муносабатларни чуқур ўрганиб етгандан кейингина бир табиатни муҳофаза қилишга тайёр, билимдан такрор бўламиз.

Атроф муҳитга антропоген таъсири кенгайиб бормоқда. Табиий муҳитнинг энг асосий элементлари атмосфера, гидросфера ва литосферага катта ҳаф туғдирди, улар тинимсиз ифлосланмоқда. Бу муаммо дунёдаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий қарамақаршиликлардан келиб чиқиб инсон цивилизациясининг асосига пан бермоқда. Турли келишмасликлар бефарқликлар атроф- муҳит ҳаво, денгиз, океанлар, табиий бойликлар манбаи ифлосланишига олиб келади.

Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий бойликлардан тежамкорлик билан фойдаланиш шу куннингш энг глобал экологик муаммоси ҳисобланади ва бу муаммо 6.3-6.5 миллиард сайёра аҳолиси улар яшаётган давлатлар ва мамлакатлар манфаатини ўз ичига қамраб олади. Бу муаммо ҳаётнинг ҳамма муаммоларидан аҳамиятлироқ бўлиб ер юзидаги тирикликнинг шу жумладан энг аввало инсонлар саломатлигини сақлашни кўзда тутати. Бу хайрли ниятдан орқага қайтиш ер юзидаги ҳаёт ва ҷамият тақдирини ҳавф остида, табиий офатлар ёқасига келтириб келажак авлодларнинг дунёга келадиган йўлини олдиндан беркитиб қўйишдан иборатдир. Ҳозирги кундаги экологик муаммолари мураккаб кўп қиррали ва қарама қаршм кучларидан, йўналишларидан иборат бўлиб, умуминсоний талабига ҷавоб берадиган экологик стратегия , экологик ҳуқуқий ва янги экологик илмий тадқиқот натижалари.

Хулоса

Авваломбор нима учун айнан шу мавзуни танладим. Бунинг сабаби албатта рангтасвир. Мактаб давриданок расм чизишга бўлган қизиқишимни сезган, оила аъзолари, мактабни битиришим билан мени шахри аъзим Самарқандга олиб келишди. Хужжатларимни Самарқанд Давлат Архитектура ва Қурилиш Институтининг “Касбий Таълим” факультети санъат бўлимига топширдим. Тақдир тақозоси билан бундан 4 йил олдин 1- босқич талабаси бўлиш бахтига муяссар бўлдим. Айнан шу уцринишларим диплом ишини мувофоқиятли бажаришимга қўл келди деб ўйлайман. Албатта бу мувофоқиятлар замирида раҳбарим Меликулов А.нинг ва устозларимнинг захматли меҳнатлари ётибди десам муболаға бўлмайди.

Адабиётлар

1. И.А.Каримов “Ўзбекистон ХХІ аср бўғасида” тошкент 1997-й
2. “Рангтасвир” Э.Абдурасулов Н.Толипов, Н. Орипов Тошкент “Ўзбекистон” 2006-й
3. “Рангтасвир” С Абдурасулов, Р. Толипов Тошкент “Билим” ЎМКТХТМ 2005-й
4. “Рассом ўқтувчилар тайёрлаш рассомга” Н. Ойдинов Тошкент “Ўқтувчи” “зиёнашр”1997
5. “Рангшунослик” М. Набиев “Ўқтувчи” 1995 й
6. “Янгича ишлаш ва фикрлаш давр талаби” Тошкент “Ўзбекистон” 1997-й
7. “Баркамол авлод Ўзбекистон таракқиётининг пойдевори” Тошкент 1997
8. Ўзбекистон Миллий Инцеклопедияси
9. “Замонавий ўқитиш технологиялари” Х.Т. Авлиёкулов Тошкент 2001 й
10. Бўёқлар билан ишлаш Х.Эгамов Тошкент “Ўзбекистон” 1981-й
11. “тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикасси” Б. Орипов

